Кн. 8
Гос. книжная палата СССР
27 ЯНВ 1983
ОБМЕНА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 22 (18.499). • Пайшанба, 1983 йил 27 январь • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

РАСМИЙ АХБОРОТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорига биноан СССР Министрлар Совети «1983 йилда кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги, Центросоюз, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, аграр-саноат бирлашмалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига 1983 йил кўкламги дала ишлари агротехника жиҳатидан юқори даражада ўтказилишини таъминлаш вазифасини юклади. Шу мақсадда уларга:

колхозларни, совхозларни ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларини юқори сифатли уруғлик ва ем-хашак билан тўла-тўкис таъминлаш, машина-механизмларни ишлатишга тайёрлаш ишларини ўз вақтида тугаллаш, хўжаликларни механизатор кадрлар билан таъминлаш учун қўшимча чораларни кўриш;

хўжаликларда органик ва минерал ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан, сугориладиган ва эрозия қочирилган ерлардан, техникадан ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига, СССР Госкомсельхозтехникасига ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига:

1983 йилда қишлоқ хўжалик экинлари индустриал технологиялар асосида етиштириладиган районлар ва хўжаликларни белгилаб қўйиш ҳамда уларга шу мақсадлар учун зарур техника, юқори сифатли уруғлик, минерал ўғит, гербицидлар, заҳарли дориворлар ва бошқа моддий-техника воситалари ажратилишини таъминлаш;

дала ишлари бошлангунча қишлоқ хўжалиги механизаторлари ва мутахассисларига қишлоқ хўжалик экинларини индустриал технологиялар асосида етиштириш усулларини ўргатишни кенг йўлга қўйиш топширилди.

Тегишли министрликлар ва идоралар 1983 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига ва сув хўжалигига кўкламги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган нефть маҳсулотларини кварталлар бўйича қандай тақсимланган бўлишидан қатъи назар, шу давр учун ажратилган фондлар ҳисобидан етказиб берилишини таъминлашлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Госкомсельхозтехникасига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига ва уларнинг жойлардаги органларига:

ҳар бир хўжаликда кўкламги дала ишлари бошланганча кўкламги экиш даврида машина-механизмларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган миқдорда нефть маҳсулотлари запасларини ғамлаб олишни назарда тутиб, колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ёнилғи-мойлаш материаллари ташишни жадаллаштириш учун зудлик билан чоралар кўриш;

ёқилғи-мойлаш материалларини сарфлашдаги камчиликларни тугатиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, нефть маҳсулотларини нормалаш, ҳисобга олиш ва асрашни ташкил этишни яхшилаш топширилди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигига, Автомобиль саноати министрлигига, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигига ҳамда бошқа министрлик ва идораларга 1983 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги эҳтиёжлари учун тракторларнинг, автомобилларнинг ерга ишлов берадиган ва экин экадиган машиналарнинг, қотиб қоладиган юкларни туширадиган машиналарнинг, экскаваторлар, ер қазиш ва қурилиш техникасини, насос-куч асбоб-ускуналарининг запас қисмларини, шунингдек автотрактор электр асбоб-ускуналари, автомобиль аккумуляторлари, втулка-роликли занжирлар, резина-техника маҳсулотлари ва тебранғич подшипникларни илдамроқ етказиб беришни таъминлаш топширилди. Запас қисмларни республикаларга, ўлка ва областларга бир маромда етказиб бериш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига, СССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг корхона ва ташкилотларига асбоб-ускуналар, бинокорлик материаллари ва бошқа материалларни илдам етказиб бериш топширилган ҳам белгиланди.

Саноат министрликлари тракторларнинг, автомобилларнинг, қишлоқ хўжалик машиналарининг, бошқа машина-механизмларнинг запас қисмларини, шунингдек машиналар, асбоб-ускуналар, материаллар ва комплектлаш буюмлари, гербицидлар ва заҳарли дориворларни қўшимча равишда тайёрлаб, қишлоқ хўжалигига етказиб беришга мажбурдирлар.

СССР Госснаби билан тегишли министрликларга 1983 йилда (ишлаб чиқариш планининг бажарилишидан қатъи назар) ажратилган фондларга мувофиқ қора ва рангли металлар прокати, қувурлар, материаллар, заготовкалар ва комплектлаш буюмларини тракторлар, автомобиллар, прицеплар, ер қазиш машиналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва запас қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга (шу жумладан карорда белгиланган қўшимча топширириқларга мувофиқ) биринчи галда етказиб бериш топширилди.

СССР Госснабига, истисно тариқасида, 1983 йил 1 июнигача вақтинчалик молиявий қийинчиликка тушиб қолган айрим колхозларга уларнинг асосланган илтимосномаларига мувофиқ ремонт эҳтиёжлари учун зарур запас қисмлар ва материаллар ҳақини, нефть маҳсулотлари ва ем-хашак ҳақини, уруғлик айирбошлаш (жумладан, уларни ташиш) билан боғлиқ бўлган харажатларни, давлат ресурсларидан ажратиладиган уруғлик ҳақини, минерал ўғит, гербицид ва заҳарли дориворлар ҳақини тўлаш учун, СССР Давлат банки ссудалари юзасидан муддати ўтиб кетган қарзи бор йўқлигидан қатъи назар, қисқа муддатли кредит бериб туришига рухсат этилди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига колхозларни, совхозларни ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини, шунингдек, СССР Госкомсельхозтехникаси системасининг кўкламги дала ишларини ўтказиш учун техника ремонти билан шуғулланаётган корхоналарини электр энергия билан узлуксиз таъминлаш учун зарур чораларни кўриш топширилди.

Темир йўллар министрлигига, Денгиз Флоти министрлигига ва РСФСР Дарё флоти министрлигига кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва шу ишларни ўтказиш учун зарур бўлган машиналарни (шу жумладан, юк автомобилларини, автомобиль ва трактор прицепларини, ярим прицепларни), асбоб-ускуналарни, запас қисмлар, шиналар, металл прокатини, ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари, нефть маҳсулотлари, минерал ўғит, пестицид ва бошқа материаллар ортиш учун вагонлар, кемалар ва контейнерларни биринчи навбатда (планга мувофиқ) етказиб беришни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун, сугориш ва зах қочириш, системаларини, агросаноат комплекси бошқа объектларини қуриш учун аталган юклар ортилган поездлар ва кемаларнинг темир йўллардан ва сув йўлларидан ўтиб туриши устидан контроллик ўрнатиш таклиф қилинди.

Механизаторлар етишмаётган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридаги кўкламги дала ишларига саноат, транспорт корхоналаридан ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, трактор-машинистларни жалб этишнинг ўтган йили амал қилган тартиби истисно тариқасида 1983 йилда ҳам сақлаб қолинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1983 йилда кўкламги экиши муваффақиятли ўтказишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш тадбирларини амалга оширилиши учун республика министрликлари ва идоралари, аграр-саноат бирлашмалари, колхоз ва совхозлар раҳбарларига нисбатан талабчанликни ҳамда уларнинг шахсий масъулиятини ошириш таклиф қилинди.

* * *

СССР Министрлар Совети бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди ҳамда тегишли қарорлар, шу жумладан:

қора металларнинг саноат (ишлоб) чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш ҳақида;

шина қувурлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда уларни халқ хўжалигида ишлатишни кенгайтириш тадбирлари тўғрисида;

нефтни тўла-тўкис қайта ишлайдиган объектлар ва қувватларни ишга туширишни таъминлаш тадбирлари ҳақида қарорлар қабул қилди. (ТАСС).

СССР ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхозида кўкламги экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хўжалик устахоналарида меҳнат қилаётган ремонтчи-механизаторлар мавжуд 22 чопиқ трактори, 22 сеялка, 350 та борона, 18 та ҳайдов трактори ва бошқа кўплаб агрегатларни 1 февралгача ремонтдан чиқариш учун курашмоқдалар.

Суратда: [ўнгдан] колхоз халқ контроли группасининг раиси Ғ. Бекмуродов назоратчилардан М. Усмонов, С. Зулфиқоровлар билан ремонтдан чиқарилган агрегатларнинг сифатини текширишяпти.

А. Тўраев фотоси.

САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДА

ФАРҒОНА «АЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVI съездининг ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарорларига амал қилиб, беш йилликнинг икки йили ичида мавжуд қувватлардан фойдаланишни яхшилади ва товар маҳсулот ишлаб чиқаришни 1,6 баравар кўпайтирди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди, пландан ташқари 50 минг тонна минерал ўғит, 14,5 минг тонна аммиак ишлаб чиқарилди.

Фарғоналик химиклар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини баланд руҳ билан қабул қилдилар, ҳамма цехлар, сменалар ва бригадаларда меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ўстириш, ички резервлардан фойдаланиш борасидаги ишларни авж олдириб юбордилар ва 1983 йилда зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

ҳамма цех ва ишлаб чиқаришлар бир маромда мўким ишлаши таъминланади, товар маҳсулот тайёрлаш ва фойда олиш юзасидан беш йиллик учинчи йилининг плани ошириб бажарилади, йиллик планга қўшимча 20 минг тонна минерал ўғит, 15 минг тонна аммиак, 500 тонна дефолиант модда, 100 тонна триацетилцеллюлоза ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади. Кўп тоннали аммиак агрегати, углекислота ишлаб чиқарувчи цехнинг қувватлари муддатидан илгари ўзлаштирилади.

Тежамкорлик режимини кучайтириш, цехларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш ҳисобига 800 минг сўмлик хом ашё, материал, энергия ресурслари, шу жумладан 6 миллион киловатт соат электр энергияси, 7 минг гигакалорий иссиклик энергияси тежалади, иқтисодий самараси 250 минг сўмга борадиган 250 рационализаторлик таклифлари, янги техника юзасидан иқтисодий самараси 380 минг сўмга борадиган ўнта тадбир жорий этилади.

Товар аммиак давлат Сифат белгисини олишга тавсия этилади. Юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш ва технологик жараёнларни автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати 3 процент камайтирилади. 1700 киши меҳнатни ташкил этиш бригада шаклига жалб қилинади, комплекс технологик бригадалар сони 50 тагача етказилади.

Коллектив оилажлантириш социал программасини бажара бориб, 150 ўринли ётоқхона ишга туширилади, 210 нафар янги ишчи тайёрланади, 1150 ишчининг, 205 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини бажара бориб, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳисса қўшиш билан бирга ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш ишлари давом эттирилади, 50 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик фермаси барпо этилади, 10 минг сўмлик мева-сабзавот маҳсулотлари реализация қилинади, отаётқлари совхозга берилиб, ёрдам кучайтирилади.

Социалистик мажбуриятлар бирлашма меҳнат коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.

ОТАШИН ЛЕНИНЧИ ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 26 январда бўлиб ўтган пленуми КПСС XXVI съезди ва ВЛКСМ XIX съезди қарорлари асосида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида жисмоний жиҳатдан тарбиялашни янада кучайтириш, уларни СССР Қуролли Кучларига хизмат қилишга тайёрлаш соҳасида республика комсомол комитетларининг вазифаларига бағишланди.

Ишлаб чиқариш илғорлари, бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари, район, шаҳар ва область комсомол комитетларининг секретарлари, ҳарбий комиссариатларнинг, ДОСААФ, спорт комитетларининг вакиллари, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округининг комсомол активи, республикадаги бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари пленумда иштирок этиш учун таклиф қилинидилар.

Пленумда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг нутқини пленум қатнашчилари самимий кутиб олдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, деди у, пленум ишида саксонинчи йилларнинг йигит ва қизлари билан бирга кекса авлод намояндалари ҳам иштирок этмоқдалар. Бизнинг ҳаммамизни бир нарса — Ленин васиятларига астойдил содиқлик, олга интилиш фазилати бирлаштириб турибди. Биз ҳаммамиз комсомол сафларидан етишиб чиққанмиз. Комсомол эса шахснинг етилиши ва камол топишида ажойиб мактаб, иродани чиниқтириб, характерни тоблайдиган, меҳнатнинг қадри ва чинакам ўртоқликнинг қадри англаб етиладиган ҳаёт мактабидир.

В. И. Ленин ёшларни революциянинг бир қисми деб ҳисоблаган эди. У комсомолнинг ҳаракат программасини белгилаб берган эди. Партия ҳужжатларида ишлаб ривожлантирилган ва конкретлаштирилган ана шу программа бугунги кунда комсомол фаолиятининг, бутун мазмунини ташкил этади. Совет ёшларининг партия ишига садоқати, коммунистик жамият ишидаги актив иштироки комсомол бутун ҳаётининг бош мазмуни бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Коммунизм қурилиши мамлакатимизнинг тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги тинимсиз курраши билан чамбарчас боғлангандир. Совет Иттифоқи ўз манфаатларини, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг манфаатларини қаттиқ туриб ижчилик билан ҳимоя қилмоқда. Ядро уруши хавфига қарши, империалистлар авж олдириб юборган қуролланиш пойгасига қарши қатъиян курашмоқда. Қардош социализм мамлакатлари, планетадаги барча тинчликсевар кучлар биз билан биргадирлар.

Империалистик «қузғунлар»нинг режалари муқаррар барбод бўлишига совет кишиларининг ишончи комил. Аммо АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий тайёргарликлари қучайиб бораётганлигига етарли баҳо бермаслик катта хато бўлур эди. Агрессив кучларни жиловламоқ учун ишончли воситалар зарур. Партия таълим бергандек, тинчликни империалистлардан сўраб олиб бўлмайди. Уни Совет Қуролли Кучларининг енгилмас қудратига таяниб, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Юрий Владимирович Андропов 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «Сиёсий бюро зарур нарсаларнинг ҳаммасини, айниқса ҳозирги халқаро вазиятда Армия ва Флотга етказиб беришни шарт деб ҳисоблаб келди ва шундай деб ҳисобламоқда».

Мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашдан иборат умумий йўлдан тўла-тўкис ва батамом келиб чиқадиган мана шу принципиал йўлйўриқка мувофиқ бугунги кунда ёш авлодни армияда хизмат қилишга тайёрлаш масалаларига анча талабчанлик билан ёндашиш керак. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мана шу ишнинг ўзаги бўлиши лозим. Чакирик ёшидаги йигитлар чуқур қоғиқ эътиқодли. Ватанга астойдил садоқатли бўлишлари, социализм ғалабаларини қўлга қурол олиб ҳимоя қила олишлари жуда муҳимдир.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАРШИ СУТ КОМБИНАТИ

ҚАРШИ, 26 январь. [ЎзТАГ мухбири]. Бугун Қаршида янги сут комбинати ишга туширилди. Комбинат ҳар кечакундузда 60 тонна сут, простокваша, творог ва бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу эски сут заводининг қувватига қарағанда икки баравар кўпдир. Маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Корхона 22 хил маҳсулот ишлаб чиқара олади. Автоматлаштирилган технология линиялари маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 13-қурилиш трестининг механизмлаштирилган комбинатни нормадаги муддатдан икки баравар тез — 9 ой ичида бунёд этдилар.

ЯНГИ РАЙОНЛАР ЭКОНОМИКАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Қашқадарё область шимоли-ғарбий зонаси ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш проблемалари 25 январь куни Қаршида бўлиб ўтган кенгашда муҳокама қилинди.

Бу кенгашда Ўзбекистон бир қанча министрликлари ва идораларининг, корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, Қашқадарё области партия ва совет активлари иштирок этдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Қашқадарё область партия комитетининг секретарлари М. Гулмирзаев ва Х. Тошев, «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг бошлиги А. Р. Отажонов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлигининг ўринбосари П. Х. Кан, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков қатнашдилар.

Қашқадарёнинг шимоли-ғарбий районларида Қашқадарёнинггина эмас, бутун Ўзбекистоннинг ҳам экономикасини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар борлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Бу зонадаги Баҳористон ва Муборак районларида қишлоқ хўжалиги учун яроқли жуда катта ер массивлари, энергетика ва химия саноати учун қимматбаҳо хом ашё — табиий газнинг бой запаслари мавжуд. Шу ресурсларни ўзлаштириш учун бир талай иш қилинди. Бироқ, бу ишларнинг суръатлари ҳали ҳам етарли эмас. Бултур бир қанча объектларда капитал қурилиш планлари бажарилмади. Айрим министрлик ва идоралар планлаштирилган саноат ва қишлоқ хўжалик объектлари, социал-маданий-маиший қурилишлар ишга туширилишини таъминламади. Уй-жой қурилишида, айниқса, катта қолоқликка йўл қўйилди: Муборак районида уй-жой биноларини фойдаланиш учун топшириш плани 79 процент, Баҳористон районида эса 61 процент бажарилди.

Нотиқлар қурилиш ташкилотларининг ўз ишлаб чиқариш базалари етарли равишда ривожлантирилмаганлиги бу аҳволнинг энг асосий сабабларидан бири эканини уқтириб ўтдилар. Чунончи, республика Қурилиш министрлиги бултур Қарши уй-созлик комбинатининг ишга туширилишини таъминламади. «Союзузбекгазпром» бирлашмаси Муборак районида йириқ панелли уйсозлик заводи қуриш масаласини ҳал этмади. Натижада Муборак газ комплексида, шу зонадаги бошқа йирик саноат объектларида кадрлар етишмаяпти, барқарор ишлаб чиқариш коллективларини барпо этиш қийинлашмоқда, бу эса иш самарадорлиги ва сифатини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йили учун Муборак ва Баҳористон районлари экономикасини ривожлантиришнинг кенг программаси белгиланганлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Муборак газни қайта ишлаш заводидаги янги қувватларни, шу жумладан контроль-ўлчов комплексини, янги газ қувурлари участкаларини, газ хўжалиги базаларини ишга тушириш лозим. Теплоэлектроцентраль тезроқ қуриб битказилиши зарур. Муборак районида консерва заводи қурилиши давом эттирилади. «Главсредазирсовхозстрой» Муборак ва Баҳористон районларида 3500 гектар янги ерни комплекс ўзлаштириши, Толлимаржон — Нишон — Муғлон қувурларини тезроқ қуриб битказиши керак. Бу ерда янги совхозлар ташкил этилади, бу эса пахта, дон, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштириш анча кўпайтириш имконини беради. Қишлоқ қурувчилари бу ерда янгиянги чорвачилик комплекслари, 200 минг товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикалари, лимонзорлар қуришлари лозим.

Уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилишига алоҳида эътибор бериш керак. Планлаштирилган жами уй-жойларни кварталма-квартал бир текис ишга туширишни таъминлаш, ҳамма мактабларни янги ўқув йилига шай қилиб қўйиш зарур, дейишди кенгаш қатнашчилари. Қўриқ районлардаги газ ва телефон тармоқларини ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Кенгашда Қашқадарёнинг шимоли-ғарбий зонаси объектларини қуриш ва ишга туширш юзасидан 1983 йил учун белгиланган план ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига доир қўшимча тадбирлар кўриб чиқилди. Жумладан, республика Госснабига, министрликлар ва идораларга, қурилиш индустрияси корхоналарига йиғма конструкциялар, цемент, металл ва бошқа материал ресурсларининг бу ерга биринчи галда етказиб берилишини таъминлаш таклиф қилинди. Ўзбекистон ССР Госстройи, «УзНИИПградостройтельство» институти Муборак ва Баҳористон учун уй-жой-граждан қурилиши лойиҳаларини анча яхшилашлари керак.

Кенгаш иштирокчилари қурилиш бўлинмаларида, буюртмачи ташкилотларда давлат ва меҳнат интизомини қатъиян мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши курашни кучайтириш, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида талаб этилганидек, меҳнатнинг ташкил этилишини такомиллаштириш ва унумдорлигини ошириш лозимлигини уқтирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кенгашда нутқ сўзлади. У Қашқадарёнинг шимоли-ғарбий ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган конкрет вазифаларга тўхталди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ғ. М. Орлов қатнашди. (ЎзТАГ).

ТАРАҚҚИЁТ ПЕШҚАДАМЛАРИ

26 январь куни Кремлнинг Съездлар саройида Илмий-техника жамиятлари олтинчи Бутуниттифоқ съезди ўз ишини давом эттирди.

Съездда мунозаралар бошланди.

СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров машина ва механизмларнинг мустаҳкамлигини ошириш каби экономика учун муҳим бўлган ишда илмий-техника жамиятларининг вазифаларига тўхталди.

Украина илмий-техника жамиятлари республика кенгашининг раиси, УССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. И. Трефилов, Қустанай областидаги «Московский» совхозининг механизатори, жамият бошланғич ташкилотининг вакили сифатида съездда қатнашаётган Т. Б. Омарова, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими кон ишлари институтининг директори Е. И. Шемякин мунозарада сўзга чиқдилар.

Музокараларда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, Бутуниттифоқ электр машинасозлиги илмий-тадқиқот институти директори академик И. А. Глебов, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари Я. П. Рябов, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Е. Хабешвили, Ғарбий Сибирь металлургия заводи ускуналарни ремонт қилувчи слесарлар бригадири А. В. Разлейцев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

27 январь куни Илмий-техника жамиятлари VI съезди ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

ОТАШИН ЛЕНИНЧИ ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

(Бошы биринчи бетда).

Бизнинг республикамизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мунтазам системаси таркиб топди. Бу система бошланғич ҳарбий тайёргарликни, ҳарбийлаштирилган «Зарница» ва «Орлёнок» ўйинларини, халқнинг меҳнат, революцион ва жанговар шон-шуҳрат жойлари бўйлаб юришларини, мардлик сабоқларини, хотирлаш вахталарини ва бошқа қаҳрамонлик-ватанпарварлик тадбирларини ўз ичига олади.

Аммо ҳаёт мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг янги, яна ҳам мураккаброқ вазифаларини ўртага қўймоқда. Бу вазифалар ёшлар ўртасида мудофаа-оммавий ишларни такомиллаштириш, уларни СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилишга, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Партия, совет, комсомол, мудофаа ташкилотлари Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонуннинг конкрет қоидаларини яна ҳам ишончли тарзда ва собитқадамлик билан пропаганда қилишлари, йигитларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида, Совет Армияси сафларида хизмат қилиш — ҳар бир ёшнинг муқаддас иши, юксак шарафи ва қатъиян мажбурий бурчи эканлигини англаш руҳида тарбиялашни кучайтиришлари лозим.

Бугунги кунда партиянинг стратегияси давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шу боисдан социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ленин васиятларини, Умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонун талабларини пропаганда қилишни шундай даражага кўтариш керакки, ҳар бир йигит ўзини армия хизматига яхши тайёрлаш, ҳарбий-ўчёт интизоми талабларини сўзсиз бажариш иштиёқини ҳосил қилсин.

В. И. Ленин: «Биз Қизил Армияни агитация билангина эмас, балки темирдек мустаҳкам интизом билан ҳам ғалабага бошлаб бордик», — деган эди. Бу сўзлар Қуролли Кучларгагина эмас, шу билан бирга уларнинг резерви: чақирилиш ёшига етмаган ва чақиришлувчи йигитларга, ҳарбий бурчини ўтаб, запасга чиқарилган барча кишиларга ҳам тааллуқлидир.

1983-1985 йилларда Совет Қуролли Кучлари Улуғ Ватан урушида эришган бир қанча улуғвор ғалабаларнинг 40 йиллиги нишонланади. Бу — ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш учун яхши имкониятдир. Ана шу шоҳли воқеаларнинг тарихий аҳамиятини ёшларнинг онгига етказиш, немис-фашист босқинчиларни тор-мор қилишда Коммунистик партиянинг баҳодирона ролини, социалистик давлат енгилмас қудратининг манбаларини, совет кишиларини жасоратга отлантирган ватанпарварлик туйғуларининг теранлигини кўрсатиб бериш жуда муҳимдир.

Меҳнаткашларни ва хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир барча ишларни интернационал тарбия билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўтказиш керак. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ Ю. В. Андропов қилган докладда шу нарса алоҳида куч билан уқтириб ўтилди.

Шу муносабат билан ёшларни тарбиялашга уруш ва меҳнат ветеранларини активроқ жалб этиш зарурлигини таъкидламоқчиман. Ҳозир республикада Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 160 минг киши, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даража Шуҳрат ордени кавалерларидан 79 киши бор.

Булар — пропагандистларнинг катта отрядидир. Улар ўзларининг бутун ҳаёти билан асло унутилмайдиган жасорат кўрсатдилар. Зотан бизнинг ҳурматли ветеранларимиз советлар мамлакатининг йигит ва қизларига ҳар куни қаҳрамонлик, мардлик ва жасурлик эстафетасини топшириб боришлари жуда муҳимдир.

Учрашувлар ва суҳбатлар уларнинг ёшлар билан ишлашида асосий формадир. Шундай учрашувларни уюштиришда, суҳбатларга ҳозирлик кўришда ветеранларга ёрдам бериш тўғрисида партия ва комсомол органлари, ДОСААФ комитетлари ва ҳарбий комиссариатлар, бизнинг барча активларимиз доимо ғамхўрлик қилишлари зарур.

Пленум қатнашчиларининг эътиборини яна бир ниҳоят муҳим масалага жалб этмоқчиман. Гап ёш авлоднинг рус тили билимларини эгаллаб олишлари тўғрисида бормоқда. Республикада рус тили мактабгача ёшдаги болалардан бошлаб то олий ўқув юртларигача бўлган босқичларда ўқитилмоқда. Чақириш ёшига етмаган ва чақириш ёшидаги йигитлар билан рус тили бўйича махсус иш олиб борилмоқда. Бу эса жуда муҳимдир. Армияда рус тилининг роли анча ошди. Бу тил образли қилиб айтганда ғоят мураккаб ҳарбий механизмнинг ҳаммасини ҳаракатга келтираётган ва турли миллатга мансуб солдатларни ягона, мустаҳкам жипслашган коллективга маҳкам бирлаштираётган воситадир.

Замонавий қурол — асосан коллектив бўлиб ишлатиладиган қуроллир. Уни кишилар группаси: бўлимлар, экипажлар, расчетлар жангга тайёрлайди, нишонларни аксон қилиш учун фойдаланилади. Борди-ю ана шу занжирда бир халқа узилиб қолса, ўртага қўйилган вазифа барбод бўлади. Шу сабабли жанговар вазифаларнинг аъло даражада бажарилиши техниканинг имкониятларигагина эмас, шу билан бирга дасталарнинг состави ва ҳарбий ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда ажойиб рус тили бир бутун қилиб бирлаштирган турли ҳарбий ихтисосдаги солдатларгина жангда ғалабани таъминлашлари мумкин.

Ҳозир ҳар бир ёшнинг рус тилини эгаллаб олиши зарурлиги ниҳоятда ортиб бораётганлигининг боиси ҳам мана шундадир.

Биз шу масала юзасидан барча областларда партия активи йиғилишларини, илмий-амалий конференцияни ўтказамиз. Рус тилини ўқитишни янада яхшилаш юзасидан қарорлар қабул қилиб, тадбирларни амалга оширамиз. Ота-оналар ўз фарзандларида рус тилига иштиёқни яна ҳам қатъият билан тарбиялашлари учун уларга мурожаат этамиз.

Маҳаллий миллатга мансуб йигитларнинг ҳарбий ўқув юртларига киришида шу йилнинг ўзидаёқ сезилари қатижаларга эришмоқ учун ҳар бир мактаб, техникум ва ҳунар-техника билим юрти ҳарбий ўқув юртлари учун лоақал битта-дан энг яхши битирувчини тайёрлаб берса мақсадга мувофиқ иш бўлади. Биз комсомолга ана шу энг яхши битирувчиларга оқ йўл тилаб йўлланмалар топширишни, ҳарбий комиссариатларга эса уларни қатъий рўйхатга олиб, имтиҳонларни қандай топшираётганликларини кузатиб боришни маслаҳат берардик.

Совет ҳарбий ўқув юртида таълим олиш қатта шарафдир. Ана шу ўқув юртларида командир кадрлар, Қуролли Кучларимизнинг олтин фонди тайёрланади. Ҳар бир ота ва она ўқув юртларининг курсантлари — мамлакатнинг ифтихори, унинг содиқ ҳимоячилари эканликларини аниқ тасаввур этиши керак. Бинобарин, ота-оналар ўз фарзандларини болалик чоғидан бошлаб офицерлик касбига тайёрлаб борсалар жуда соз бўлади.

Бизда яхши ҳарбий сулолалар бор. Фарғона область ҳарбий комиссари полковник Боқи Илёсович Каримов ана шундай сулолаларнинг вакилларидан биридир. Полковник Каримовнинг ўзи Улуғ Ватан уруши фронтларида мардларча жанг қилди, икки ажойиб ўғли — чинакам ватанпарварлар бўлган Рашид ва Рустамни вояга етказди. Унинг ўғиллари ота изидан бориб ҳарбий бўлдилар.

Андижон область ҳарбий комиссари полковник Азимовнинг бир ўғли Совет Армиясининг офицери, иккинчиси эса В. И. Ленин номидаги Тошкент умумқўшин командирлари ўқув юртининг курсанти. Учқўрғон районидаги Ленин номли совхозда Шожалиловлар оиласи республикада машҳурдир. Тўрт ога-ини Шожалиловлар — офицерлар бўлиб, улар Ватанимизнинг осмон чегараларини пухта қўриқлаб турибдилар. Бу оилада кичик укаларидан яна икки нафари ўсиб келмоқда, улар ҳам социалистик Ватан ҳимоячиларининг сафларидан жой олишга қатъий аҳд қилишган.

Бундай машҳур сулолалар эса бизда оз эмас.

СССР Қуролли Кучларининг шонли жанговар анъаналарини давом эттираётган ўз юртдошлари билан ҳар бир посёлкада, район ва шаҳарда фахрланишлари учун ҳарбий сулолаларнинг янги авлодларини отабоболар ва акаларнинг жанговар ҳаёти намуналарида тарбиялаш — район, шаҳар ва область комсомол комитетларининг шон-шараф ишидир.

Ҳарбий хизматни муваффақиятли ўташ, армия ҳаётининг мураккабликларини енгиб ўтиш учун техник жиҳатдан саводли, жисмонан чиниққан, ўткир зеҳнли ва эпчил бўлиш керак. Бундай фазилатлар спорт, айниқса, техникавий ва ҳарбий-амалий спорт турлари билан сингдирилади. Жисмонан заиф жангчи чегарада, кемада ёки танкда узоқ давом этадиган жанговар навбатчиликка, самолётдаги зўриқишларга бардош бера олмайди. Замонавий жанг жисмонан бардошли жангчини тақозо этади. Мустаҳкам жисмоний чиниқишли солдатнинг иккинчи қуроли деб аташларининг боиси ҳам мана шундадир.

Партия, совет, комсомол, спорт ташкилотлари, ДОСААФ, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртлари чақирилиш ёшига етмаган ҳар бир йигит ана шу самарали қуролни мукаммал эгаллаб олиши, рус тилини яхши билиши учун ҳамма ишни қилишлари лозим.

Ҳозир республика комсомоллари учун бу биринчи даражали вазифа ҳамда энг муҳим партия топшириғидир.

Бугунги кунда ҳар бир йигитга мана шу эзгу ишларда оқ йўл тилаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиман: ким бўлишингдан, қандай йўлни танлаб олишингдан, Ватан сени қандай меҳнатга даъват этишидан қатъи назар рус тилини яхши билиш аъло даражадаги жисмоний ва маънавий тайёргарлик, совет халқига, Ленинни партиясига астойдил хизмат қилиш, Улуғ Октябрь ғалабаларини шараф билан ҳимоя қила билиш сенинг ҳаётингдаги бош йўл бўлиб қолаверсин!

Комсомол Марказий Комитетининг ушбу пленумидан олдин ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган икки кунлик регионал семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Яқинда Ўзбекистон ДОСААФнинг VI съезди ўтказилди. Мана шу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирларда республиканинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолияти комплекс плани ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Айни вақтда комсомол ташкилотларининг ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия соҳасидаги фаолияти КПСС XXVI съезди ва ВЛКСМ XIX съездининг талабларига тўла жавоб бераяпти деб бўлмайди.

Пленум ёшларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми, мардлик, сиёсий ҳушёрлик, интизомлилик ва уюшқоқлик, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга доимо шай бўлиб туриш руҳида тарбиялашга қаратилган ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтиришга оид тадбирларни белгилади.

Пленум ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, уларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлашни янада яхшилашга оид тадбирлар комплекс планини тасдиқлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат У. У. Умаров, СССР Мудофаа министрлиги бўлими бошлиғининг ўринбосари генерал-майор И. Г. Назимок, СССР Давлат хавфсизлиги комитети Чегара қўшинлари сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. И. Коровин, СССР ДОСААФ Марказий Комитети Раисининг ўринбосари генерал-лейтенант В. В. Мосяйкин, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи, Ҳарбий кенгаш аъзоси генерал-лейтенант Н. А. Моисеев, ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг аъзоси Н. А. Кошелев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Партия активи йиғилишларида

ИНТИЗОМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

● БУХОРО области саноат корхоналари ва қурилишлари, колхоз ва совхозлари коммунистлари, барча меҳнаткашлари ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ҳаракатни авж олдириб юборган москволиклар ташаббусини ғоят маъқуллаб қутиб олдилар. Меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда прогулчилар, «ташмачилар», «учаяларга, жамоат тартибини бузувчиларга қарши кураш, давлат планлари ва мажбуриятларини сўзсиз бажаришга оид конкрет тадбирлар белгиланмоқда.

Область партия активи йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари асосида партия, давлат, план ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш соҳасида Бухоро область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Область партия комитети биринчи секретари А. К. Каримов доклад қилди.

Йиғилишда областнинг кўпгина меҳнат коллективлари йил сайин юксак кўрсаткичларга эришиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга оид ишлар олиб бораётганликлари айтилди. Айни вақтда барча резервлар ҳали тўла ишга туширилган деб бўлмайди. Масалан, Когон ёғ-экстракция ва Бухоро керамзит заводлари, бошқа баъзи корхоналар йиллик топшириқни бажармадилар. Бундай ҳол асосан интизом бўш эканлиги сабабли юз берди.

Йиғилишда ишга кечикиб келиш ҳоллари қаттиқ танқид қилинди. Бухородаги тўқимачилик комбинатида, 163-трестнинг бинокорлик материаллари комбинатида, Ўзбекистон ССР Геология министрлигига қарашли ремонт-механика заводида ишга кечикиб келиш ҳоллари кўп учрайди. Транспорт, қурилиш ташкилотларида, маиший хизмат корхоналарида кўп иш вақти йўқотилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳар бир меҳнат коллективида интизомнинг бузилиш ҳолларига муросасизлик муҳитини яратишга, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришга, ҳар бир меҳнаткашда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, топширилган иш учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялашга қаратилган ишларни активлаштиришга оид тадбирларни белгиладилар.

Йиғилишда Узбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари Қ. А. Аҳмедов нутқ сўзлади.

* * *

● НАМАНГАН область партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари асосида партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида ишчанлик билан, ўз-ўзини танқид руҳида гаплашиб олинди. Область партия комитети иккинчи секретари А. С. Воеков доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари область экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришилган ютуқларни муносиб тарзда баҳолаб, айрим меҳнат коллективларидаги фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятларга эътиборни жалб этдилар. Ўтган йили бир қанча коллективлар топшириқларни бажара олмай қолганликлари кўрсатиб ўтилди. Поп пахта заводи, «Прогресс» вино-консерва комбинати, консерва заводи, ғишт завод бошқармаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Смена тарзида ишлаш коэффициентини ошириш учун катта резервлар яратилди. Бирок области кўпгина корхоналар шу пайтгача бир сменали режимда ишлаяптилар ва ҳатто уларда смена орасида бекор туриб қолиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, химия заводида қарийб 6 минг одамкун, уйсозлик ва «Узбеккровля» комбинатларида икки мингдан ортиқ одам-кун вакт бекор кетишига йўл қўйилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, янги техника ва фан-техника ютуқларини жорий этиш, технологияни такомиллаштириш учун ҳали ҳамма ишлар қилинаётгани йўқ.

Йиғилишда прогулга ва ишлаб чиқаришда бошқа тартиб бузишларга қарши курашни кучайтириш, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларнинг дам олишини уюштиришга боғлиқ масалалар алоҳида принципиаллик билан ўртага қўйилди. Партия, совет, жамоат ташкилотлари ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Узбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ЗОНАЛ СЕМИНАР

Андижонда аҳолини атеистик руҳда тарбиялашни кучайтириш масалаларига бағишланган зонал семинар-кенгаш ўтказилди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, Андижон, Наманган ва Фарғона областларининг идеология активи иштирок этдилар. Меҳнат коллективларида аҳоли истиқомат жойларида атеистик ишларнинг актуал масалалари юзасидан фикр алмашинди. Ўқувчилар ва студент ёшларнинг илмий-атеистик дунёқарашини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

ЧЎЛТОҚ ҚУРИЛИШЛАР

Фельетон

Азиз Муродов бировни ҳеч қачон бунчалик зориқиб кутмаганди. Эшик тақиллаб, хонага 163-қурилиш трестининг 987-УНР бошлиғи Дилмурод Нуров кириб келганида ўрнидан беихтиёр туриб кеттанини билмай қолди.

— Бўримисиз, тулки? — сўради у Нуровнинг кўзига тикилиб.

Дилмурод Нуровнинг чеҳраси ёришиб кетди, худди лотереясига катта утуқ чиққандек лаб-лунжини йиғиштиролмай ишшайди.

— Униси ҳам, буниси ҳам, ака, — деди-да, сумкасидан актларни чиқариб Муродовга тутқазди. — Мана, қўринг, қойиллатибманми? Аранг кўндирдим. Шунақанги тош экан-ки, чақиш жуда қийин бўлди.

Азиз Муродов енгил тин олди.

— Ҳартугул, планнинг шу томони қийшайиб турганди, бунисини ҳам тўғрилаб олдик. Энди мукофотнинг зўри ҳам, давранинг тўри ҳам бизники.

— Шу саломатлик шаҳарчаси бир бўлди-ю, бошқа қурилишлар ҳам бир бўлди, — Дилмурод Нуров унинг гапини маъқуллаган бўлди. — Буёғига ҳам ўзингиз қўллаб юборасизда, а, ака?

Азиз Муродов уни, албатта, қўллайди. Нега ҳам қўлламасин, ахир мана шу саломатлик шаҳарчасини қуриш ишида бирга-лаб, асаб ва руҳий касалликлар диспансери, ундан кейин тери касалликлари диспансери, уларнинг ёнида эса юқумли касалликлар касалхонаси ва онкология шифохонаси биноларига пойдевор қўйилди. Олдинига қурувчилар ишга енг шимариб киришиб кетдилар. Бироқ, орадан кўп ўтмай суръат сусайиб, шаҳарча ҳақидаги гаплар ҳам босилиб қолди. Қурилиш мўлжалладагидан 1,5 баравар кўпроқ вақтга чўзилди. Аммо шунга қарамай, комплекс ишга тушганида чала-чулпа ишлар ҳали кўплиги ошкор бўлиб қолди. Бироқ қурилишни зиммасига олган ташкилот раҳбарлари тал ана шу ярим-ёрти, носоз ишларни бажаришга қолганида кўзларини кўр, қулоқларини гаранг қилиб олишди.

— Ҳаммаси жойида-ку, қандай қамчилиги бор экан? — ҳайрон бўлгандай сўради капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи Азиз Муродов.

— Канализация ишламаяпти, — дейишди фойдаланувчи ташкилот ходимлари. — Канализациясиз касалхонани ҳеч кўрганмисиз? Йўқ, Азиз Муродов канализациясиз ишлайдиган касалхонани тасаввур қилолмас экан. Шу сабабли «эътиборингизга тўғри» деб фойдаланувчи ташкилотнинг қандай гапи бўлса, ҳаммасини маржондек ипга тизиб олди. Уларни қуюқ-қуюқ ваъдалар билан хонасидан чиқариб юборди-да, ичида кулиб қўйди. «Хўп бўладини еб бўладими ҳеч замонда, — деди ўзига-ўзи. — Содда одамни лақиллатиш осон, вақт ўтаверсин-чи, кейин кўрамиз...».

Фойдаланувчилар ҳам қуруқ ваъданинг оқибати қандай бўлишини кейин кўришди: нуқсонларнинг бирортаси ҳам тузатилмади. Касалхонадан оқиб чиқадиган ифлос чиқинди химиявий тозаланмай очиқ коллекторга оқиб, атроф-муҳитни ифлослантираверди. Охири сув ресурсларини муҳофаза қилиш область жамияти бу ишга аралашиб, область капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Азиз Муродовни асосий айбдор деб топди-да, унга жарима солди. А. Муродов буни эшитиб тепа сочи тикка бўлиб кетди.

— Мен айбдормишман-а? Менга жарима солишибдими-а? — деди у ғазабдан қизариб-бўзариб. — Олиб бўпти мендан жаримасини.

Азиз Муродовга айбдор бўлишдан кўра жарима тўлаш оғирроқ ботди. Жаримани саккиз ой давомида тўламай юрди. Ниҳоят сув ресурсларини муҳофаза қилиш область жамияти унинг ишини Файзулла Хўжаев район халқ судига ошириди.

Бу воқеа Бухоро шаҳрининг қурувчи бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ҳамда буюртмачи ташкилотларининг раҳбарларига катта сабоқ бўлиш, қурилишларда бурилиш ясалиши, қурувчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши, уларнинг масъулияти оширилиши ҳамда ишнинг борыши устидан назоратни кучайтириш тадбирлари белгиланмоғи лозим эди. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади. Тери касалликлари диспансерининг янги биносини фойдаланишга топшириш пайтида илгаригисидан ҳам баттарроқ нуқсонлар очилиб қолди. 987-УНР бошлиғи Дилмурод Нуров, прораб Наим Тўлаев, участка бошлиғи Исмонл Ризаев, область капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Азиз Муродов, техника назорати инженери Убайдулла Йўлдошев, область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Бобоқул Баратовларнинг масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги сабабли амалда бажарилмаган қурилиш-монтаж ишларини ҳеч тап тортмай «бу ишлар юз фоиз бажарилди» деб кўрсатиларвербди. Иш ҳатто шу даражага бориб етдики, 1981 йилнинг декабрида «Бино фойдаланиш учун яроқли» деб акт ҳам тузилибди. Қабул комиссияси аъзоларининг кўпчилиги — А. Муродовнинг тазйиқи ва таъсири билан актга имзо бўлмасин. — Азиз Муродов нималарнидир ҳаёлидан ўтказди-да, сўнг ҳовуридан тушгандек деди: — майли, сен айтганча бўла қолсин. Ҳозир ўша камчиликларни кўрсатиб гарантия хатини тайёрлаймиз. Кейин қўл қўясан. Пудратчилар чала ишларни 1982 йилнинг сентябригача батамом тугатишади. Келишдикми? Ўйлаб кўр, рози бўлсанг, акт УНР бошлиғида бўлади, қўл қўясан.

Мана энди тушунгандирсиз Азиз Муродовнинг УНР бошлиғи Дилмурод Нуровни қучоқ очиб кутиб олгани сабабини. Ана ўшандан бери қанчадан қанча сувлар оқиб ўтди, қанчадан қанча ойлар ўтди. Иш битиб, йўргаси лойдан ўтиб олган Муродов билан Нуров ўшандан бери саломатлик шаҳарчасида ҳатто қораларини ҳам кўрсатишгани йўқ. Улар ваъданинг бажарилишини эсларига солиб, илтимос қилиб келганларга «эрта-индин» деб жавоб бериб юбораверишди. Охири диспансер ҳали қуриб битказилмаган бинога кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Шу ўринда чала бинода амал-тақал ишлаётган медицина ходимларининг арзидодларидан бир шингилини эшитинг:

— Остона хатлаб ичкарига кирдиг-у хайратдан ёқа ушлаб қолдик, — дейди диспансер мудири Клара Оловуддинова. — 1 миллион 200 минг сўмлик капитал маблағ эвазига қурилиб, бизга тақдим этилган на поликлиника ва на стационарда беморларни қабул қилиш, даводаш, лабораторияда ускуналарни ўрнатиш ва ишлатиш учун зарур бўлган энг оддий шарт-шароитлар ҳам етишмасди. Ҳамма ёқда ахлат уюмлари, ҳамма ёқда шиша синиқлари сочилиб ётарди. Эшик-деразалар синиқ, қулф ўрнатилмаган. Ёпса очилмай, очса ёпилмайди. Кўч-кўронимиз ташқарида бир неча кун қолиб кетди. Врачлар ўзининг асосий ишини қўйиб бинони ахлатдан тозалашга, жиҳозларни жойлаштиришга, чала ишларни тугатишга мажбур бўлдилар. Ҳозир ҳам шу иш билан шуғулланямиз. Бинога на сув, на газ, на электр уланган, хоналар иситилмайди, канализация ишламайди. Бунақа шошма-шошарликнинг нафи кимга-ю, зарари кимга?

— 987-УНР раҳбарлари кўргилигимизни кўриб, узоқдан томошабин бўлиб турганлари одамга алам қиларкан, — дейди юқумли касалликлар касалхонаси бош врачи Саиджон Ҳабибов. — Бизнинг касалхона қурилиши ҳали 1978 йилдан буён чўзилиб келаётганди. 1982 йил охириги муддат эди. Уддалашолмади. Белгиланган йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани аранг 30,5 процент бажарилди, холос. Ҳали қариб 1 миллион сўмлик иш навбат кутиб турибди. Мана, ҳозирнинг ўзидаёқ устиёлтироқ, ичи қалтироқ ишлар кўзга кўриниб қолди, деворлар нотекис, дераза ва эшиклар ўрнатилдиган жойлар қийшиқ. Буларни тузатиш учун деворни бузиб, қайта тиклашга тўғри келади. Бизнинг объектда участка бошлиғи Исмоил Ризаев деган йигит бор эди. У ҳамма қилмишлари учун коллектив ўртасида юзма-юз туриб жавоб бериши керак эди. Бундай бўлмади. УНР раҳбарлари уни ими-жимида ишдан бўшатиб юборишди. Бу ҳақда биров билди, биров билмади.

Хуллас, саломатлик шаҳарчаси қурилишида ана шундай аҳвол: онкология касалхонаси қурилиши уч йилдан буён бетон қозиқлар қоқилганича қаққайиб турибди. Қариб 30 процент чала ишлари билан ташлаб кетилган тери касалликлари диспансерида ҳамон қайта қуриш ва ремонт ишлари давом этяпти. Аммо бу ишни қурувчилар эмас, шифокорларнинг ўзлари бажаришаётгани ажабланарли. Область ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Азиз Муродов билан 987-УНР бошлиғи Дилмурод Нуровларнинг эса паролари палак, «планни бажардик, актни ёздик, эпли мукофотнинг зўри, давранинг тўри бизники» деб мақтаниб юришибди.

Қизиқ, уларнинг бу хилда ҳовлиқиб юришлари, давлат, меҳнат интизомига риоя қилмаётганларнинг бундай бепарволиклари қачонгача давом этаркин?

Ҳошим ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Врач: чала ишни тузатгунча эсимиз нетади шекилли.
Рассом А. Холиқов.

мусобақа йилномаси

1985 ЙИЛ ҲИСОБИГА

● «Бухарнефтстрой» трести коллективи партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Улар меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдаланишяпти. Бу ўринда меҳнат зарбдорларининг жанбозлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

И. Қосимов етакчиликдаги экскаваторчилар бригадаси трестнинг Бухоро механизациялашган қўчма колоннасида ишлашади. Улар иш вақтидан оқилона фойдаланиш, машина-механизмларни яхши сақлаш, илғорлар тажрибасини кенг жорий этиш туфайли ҳозир 1985 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бригаданинг Б. Тўхтаев, И. Тошев сингари пешқадамлари ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Бухоро.

МОНТАЖЧИЛАР ЮТУҒИ

● «Стальмонтаж» колоннасининг В. Мусин бошлиқ бригадаси белгиланган мураккаб ишни муддатидан анча илгари адо этди: Намангандаги шойи газламалар комбинатидаги янги сув ишқиб қозонининг 32 метрлик трубаси барвақт ўрнатилди. Бу эса тўртинчи қозоннинг ўзини ҳам графикдан олдин ишга туширишга имконини берди. Натижада корхона ихтиёридаги барча цехлар, тўқимачилар шаҳарчаси сув билан етарли таъминланадиган бўлди.

Наманган.

АЪЛО БАҲОДА

● Коммунистик партиясидаги «Ленинобод» совхози меҳнатчилари Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик тўғрисидаги қарорига жавобан механизм ва агрегатларни муддатидан олдин ремонтдан чиқаришга сўз беришди. Дастлабки ремонтдан чиқарилган машиналарга «Аъло сифат билан ремонт қилинган» деган ёзувли тахтачалар илиб қўйилди. Картошка экиш ва уни кавлаб олишда фойдаланиладиган машина-механизмлар ремонти тугалланди.

Хўжаликда малакали механизаторлардан иборат ремонт звенолари тузилган. Улар белгиланган графикка мувофиқ иш юритишмоқда. Январь ойи охиригача асосий техникани экиш мавсумига тайёр қилиб қўйиш учун мусобақа авж олдириб юборилди.

Тошкент.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

МЕҲНАТ МАРОМИ

Колхозимиз деҳқонлари ва чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунладилар. Яқинда колхоз правленияси ва партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилиб, СССР 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилганлиги чуқур таҳлил этилди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленуми белгилаган вазифаларни амалга ошириш тадбирлари ишчанлик вазиятида муҳокама қилинди.

Аввало, мамнуният билан шу фактни қайд қилиш керакки, юбилей йилида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Пахтанинг ялпи ҳосилини 1981 йилдаги 6350 тоннадан ўтган йил 6865 тоннага, ҳосилдорлик 38,9 центнердан 43,1 центнерга етказилди. 1981 йилда умумий ҳосилнинг 67 процента биринчи сортга сотилган бўлса, ўтган йили пахта тайёрлаш плани биринчи сорт ҳисобига бажарилди. С. Сафарбоев, Ш. Султонов, О. Тўраев бошлиқ илғор бригадалар 50 центнерлик маррани эгалладилар, пахтанинг сифатини яхшилашга, машина терими салмоғини оширишга эришдилар.

Пахтачилик билан бир қаторда, деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари ҳам узлуксиз ривожланиб бормоқда. Сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари етиштириш ҳажми кейинги икки йил ичида қариб бир ярим баравар кўпайди.

Чорвачилик агросаноат комплексининг муҳим звеноси, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан биридир. Биз чорвачиликни жадал ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажаришга кўпроқ ҳисса қўшиш биринчи даражали вазифамиз эканлигини яхши тушуниб, бу ҳаётий муҳим масалага ҳамиша катта эътибор бермоқдамиз.

Колхозимиз чорвадорлари гўшт, сут ва тухум тайёрлаш ҳамда давлатга сотиш топшириқларини муваффақиятли адо этдилар. Планда белгиланган 93 тонна ўрнига, қариб юз тонна гўшт, 590 тонна ўрнига 600 тонна сут етиштирилди, давлатга 80 тоннага яқин бўрдоқи гўшти, 490 тонна сут сотилиб, план ортиғи билан уддаланди, пландаги 144 мингта ўрнига 190 мингта тухум олинди.

Яқунлар чакки эмас. Аммо, олдимизда турган вазифалар янада кўламдор ва масъулиятлидир. Ўн биринчи беш йилликда гўшт етиштиришни ўтган беш йилликдагига нисбатан бир ярим баравар, сутни 30 процент, тухумни икки баравар кўпайтириш вазифасини ўз олдимизга қўйдик. Бу йил 130 тонна гўшт, 700 тонна сут, 250 мингта тухум етиштириш мўлжалланмоқда. Бу — планда кўзда тутилганидан анча юқори курсаткичдир. Қатъий ишонч билан айтамизки, колхозимиз чорвадорлари бу марраларни эгаллашларига шак-шубҳа йўқ.

Чорвачиликни юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларни собиқадамлик билан амалга оширишда гоят масъулиятли кунлар келди. Чорвадорлар учун жиддий синов даври — қишлов қизғин давом этяпти. Ҳозирги вазифа — чорва қишловини уюшқоқлик билан, намунали ўтказишдан иборат. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1982—1983 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори ферма меҳнатчилари ўртасида кенг муҳокама қилинди. Чорвадорларимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилишга, қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга азму қарор қилдилар.

Фермамизда 820 бош қорамол, шу жумладан 245 бош сигир бор. 200 бош қорамолни колхозлараро бўрдоқичилик пунктида гўшт учун сўнгги боқтирмоқдамиз. 2200 та ўрнига 3800 та товуқ, 120 та ўрнига 182 та она чўчқа асраляпти. Молхоналар, сут-товар фермаси, бузоқхона, паррандахона ва чўчқахона, иккита озуқа цехи барвақт, сифатли ремонт қилиниб, қишки мавсумга тахт қилиб қўйилди. 4 та «Тандем» агрегати, ишитиш системаси, водопровод, озуқа цехининг машина асбоблари ишга шайлаб қўйилган.

Чорва молларининг маҳсулдорлиги уларни оқсилга бой тўйимли озуқа билан етарли миқдорда таъминлашга боғлиқдир. Биз моллларнинг тўқ ва семизлигини таъминлаш учун зарур озуқа фондига эгамиз. 400 тонна беда пичани, 1250 тонна сенаж, 2560 тонна маккажўхори силоси, 1000 тонна га яқин дағал хашак жамғарилди. 200 гектар бедапоя, 185 гектар маккажўхори майдонларидан юқори ҳосил олинди, ҳар гектаридан йиғиб олинган қуруқ беда пичани 120 центнерни, маккажўхори дони 82 центнерни ташкил этди. Мавжуд озуқа запасимиз моллари рацион бўйича ем-хашак билан боқиш имконини беради.

Фермадаги соғиш агрегатлари, автоматик ускуналар, озуқа цехидаги машина ва асбоблар бенуқсон ишлаши таъминланяпти. Дағал хашак ДКУ аппаратларида қирқиладн, махсус идишларда димланади. 30 тонналик учта ҳовузда хлорелла тайёрлаб берилади.

Чорвадорларимиз қишловнинг дастлабки кунлариданоқ маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Бўрдоқига боқилаётган моллларнинг вазни семириш ҳисобига кун сайин ошиб бормоқда, бу январь ойида 70—80 тонна гўшт тайёрлаш имкониятини беради. Соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам тобора ошяпти. Зулайхо Жумабоева, Олма Дадабоева, Тўхта Машарипова, Ойгул Юсупова ва Шарофат Матжоновалар сут соғувчилар мусобақасида пешқадамлар сафида боришяпти. Бузоқбоқар Қурбонгул Такаева боқимидаги бузоқларни қишловдан семиз ва соғлом чиқаришга аҳд қилиб, ўз вазифасини бажаришда жонкуярлик, ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

Қишнинг қорқировли кунлари ҳали авжида. Вазият чорвадорларимиздан маҳорат ва омилкорлик билан иш кўришни, ферма ходимларининг, коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишни, меҳнатда фидокорлик кўрсатишни тақозо этмоқда. Қишлов даврида чорва маҳсулотларини кўпайтириш, социалистик мусобақада голибликка эришиш, Озиқ-овқат программасини бажаришга баракали ҳисса қўшиш колхозимиз чорвадорларининг қатъий аҳдидир.

Р. АБДУРАҲИМОВ,
Шовот районидаги «Москва» колхози раиси.

Д. АБДИРИМОВ,
партия комитети секретари.

Б. ЮСУПОВ,
ферма мудири.

Ш. ЯНГИБОЕВ.
зоотехник.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Қумқўрғон районидаги «Москва» колхози чорвадорлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Давлатга 320 тонна гўшт, 1380 тонна сут, 28 тоннадан эзёд жун сотилди. Колхоз чорвадорлари СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшиш иштиёқида 1983 йил учун ҳам катта мажбуриятлар олишди. Яйловларда ва чорва фермаларида иш ана шу мажбурият асосида олиб борилаётир.

Ҳар бир қорамол, қўй-қўзи чорвадор ардоғида. Айниқса, бўғоз сигирлар ва соғлиқлар алоҳида парвариш қилиняпти. Чорва қишловини бечиқим ўтказишда илғор чўпон Чори Абдуллаев ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. У ўз боқимидаги қоракўл қўйларни қатъий рацион асосида озиқлантираётир. Айни вақтда яйловларда боқишга ҳам алоҳида эътибор беряпти.

Суратда: илғор чўпон Чори Абдуллаев.
Г. Григорьев фотоси (ЎзТАГ).

ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Чироқчи районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз маккажўхоричилик ихтисослаштирилган хўжаликлардан биридир. Бу хўжаликнинг ташкил этилганига уч йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида совхоз меҳнат аҳли суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиб, «қаҳрабо дон» етиштиришнинг ойдин йўлига чиқиб олди.

Ўтган йили хўжалик ғаллакорлари 1 минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, 2000 тонна дон етиштирдилар. Бу муваффақиятга илғор иш усуллари ва прогрессив технологиядан омилкорлик билан фойдаланиб эвазига эришилди. Шунисн қувончлики, айрим бригадалар бир йилнинг ўзида икки марта ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

«Қаҳрабо дон» усталари бу йил ҳам экинлардан мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаб дала ишларини тобора авж олдиришмоқда. Ўтган йил кузида экилган 550 гектар ердаги арпа-буғдой юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги туфайли майсалар баравж ривожланаётир.

Совхоз устаханаларида ҳам иш қизғин. Жумладан, барча турдаги техника мавсумга шайлаб қўйилди. Мавжуд 12 чопиқ трактори ва селлка жорий ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, 10 та ҳайдов трактори, 14 та сув чиқарадиган насос ҳам тахт қилиб қўйилди. Ҳар куни пайкалларга 150—200 тонна маҳаллий ўғит чиқарилаётир. Ариқ-новурлар ҳам тартибга келтирилмоқда. Ҳозиргача 20 километр узунликдаги сув шахобчалари қуриб бўлинди. Моҳир сувчилар пол олинган ерларни қондириб суғоришяпти.

Маккажўхоридан мўл-кўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган Аҳмад Юсупов, Мустафо Муҳаммадиев, Ҳуррам Умаров каби уста деҳқонлар бошлиқ бригадаларга маҳаллий ўғит тўплаш билан ерларни тартибга келтириш ва шўр ювиш, пол олиш каби юмушлар намунали бажарилмоқда. Ишда сифатга алоҳида эътибор берилаётир.

Хўжалик деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида улуғ мақсадни кўзлашган. Улар ҳар гектар ердан камида 30 центнердан буғдой, 80 центнердан маккажўхори дони етиштириш учун ғайрат қамарини маҳкам боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭКИНЗОРЛАРГА ОБИҲАЁТ

ШЕМАХА. (Озарбайжон ССР). Катта Кавказ тизмаларида кучли насос станциялари бўлган кўп километрли водопровод ишга туширилди. Насос станциялари сувни ярим километр баландликка олиб чиқади. Бу ердан сув ихтисослаштирилган узумчилик совхозларининг майдонларига уч йўналишда оқади. Бир вақтлар лалми ерлар ҳисобланган 10 минг гектар майдонни барқарор равишда суғоришга эришилди. Сўнгги йилларда Озарбайжон хўжаликлари суғориш тармоқлари бўлган қарийб 300 та кичик сув омбори қурди.

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

ШАУЛЯЙ (Литва ССР). Литванинг Шауляй районидаги хўжаликларарО бирлашмалар. нинг барчасида кеч оқшомгача узлуксиз график асосида ишлайдиган савдо-маиший комплекслар ташкил этилди. Комплексларнинг ҳар бири колхоз бригадаларида ҳамда совхозларнинг бўлинмаларида магазинлари ва маиший хизмат устаханалари бўлган филиалларга эга. Беш йиллик охиригача савдо-маиший хизматнинг бундай ягона системаси мат. лубот кооперацияси билан маиший-хизмат корхоналари ходимларининг куч-ғайрати натижасида Литванинг барча қишлоқ районларида ташкил этилади. (ТАСС).

Ташаббускорлар йўқламаси

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ЧОРВА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мол боқиб, давлатга 5—10 тонна гўшт сотиш мажбуриятини олган бир группа илғор бригада бошлиқларининг далачилик бригадалари бошлиқларига, колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, республиканинг барча деҳқонларига Мурожаатини маъқуллаган эди. Қуйида ташаббускорлардан бири — Андижон область, Бўз районидаги Тельман номли колхознинг СССР Олий Совети депутати Офтобхон ТУРҒУНОВА бошлиқ бригадаси ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бутун умри, онгли ҳаётини пахтачиликни ривожлантиришга бахшида этиб келаётган бу аёлни ҳамма билади, халқ хизматкори сифатида ҳурмат қилади. Офтобхон бошлиқ бригада аъзолари пахтачилик ва чорвачилик соҳасида нечоғли катта муваффақиятларга эришаётганини юбилей йили натижаларидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Бригада бўйича 122 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 36 центнер ўрнига 47 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 90 процента «зангори кема»ларда териб олинди. Х. Абдувалиев, Т. Бозоров, М. Умаров, Д. Нурматовлар машиналар бункеридан 350 тоннадан пахта тўкиб, механизаторлик номини яна бир карра шарафладилар. Хўжалик бўйича энг арзон ва сорти юқори пахта ҳам шу бригадада етиштирилди.

Офтобхоннинг ташаббуси билан бригадада ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ташкил қилинди. Тўғри, ёрдамчи хўжалик чорва фермаси ёки комплекси эмас. Ҳозирча кичкина бир тармоқ. Унда икки бош соғин сигир, 8 та қўй, 200 та товуқ бор. Гап шундаки, чорва моллари ва паррандалар бригаданинг ўзида етиштирилаётган озуқа билан боқилмоқда ва улардан мўл-кўл маҳсулотлар олинаётир. Бригада аъзолари, уларнинг силалари, хусусан боғчаларда тарбияланаётган фарзандлари шу ерда етиштирилаётган гўшт, сут, қаймоқ, тухум билан тўла таъминланаётир. Эҳтиёждан ортиқча маҳсулотлар эса давлат тайёрлов ташкилотларига топширилмоқда.

Шу ўринда айрим мисоллар келтирамиз. 1982 йилнинг ўзида 5 бош қорамол сўқимга боқилди. Ҳар бирининг тирик вазнини 500 килограммдан ошириб, икки боши бригада аъзоларининг иссиқ овқати, боғча эҳтиёжи учун гўштга сўйилди. Уч боши эса юқори семизликда гўштга топширилди. Сигирлардан соғиб олинган сут ҳам шу тарзда сарфланди. Бир сўз билан айтганда бригада аъзолари бутун йил давомида ўзларини ўзлари юқори сорт чорва маҳсулотлари билан тўла таъминладилар, эл-юрт дастурхонининг файзли бўлишига муносиб улуш қўшдилар.

— Бригадамизда пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экиш схемасини кенг қўллаяпмиз, — деди Офтобхон Турғунова. — Натижада ҳам пахта ҳосилдорлиги ошяпти, ҳам чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланяпти. Ўтган йилнинг ўзидагина 3 гектар майдонда маккажўхоридан рекорд ҳосил етиштирдик, дон ва пояни чорва қишловига асраб қўйдик. Ундан ташқари уватлар, сув иншоотларининг қирроқлари, дарахтларнинг остида ўсган табиий ўтларни ҳам вақтида ўриб олиб, чорва биноси ёнига ғарамлаб қўйдик. Беда ҳосилдорлигини кўтариш чораларини кўряпмиз.

Бу йил ёрдамчи хўжалигимизда 6 тонна юқори сорт гўшт етиштирамиз. Шундан кейинги йилларда қадамни янада дадилроқ ташлаб, ўн биринчи беш йиллик охиригача тайёрланадиган гўшт миқдорини 10—12 тоннага етказамиз. Шу мақсадда беда, маккажўхори майдонларини янада кенгайтириб, ҳосилдорликни оширамиз.

Паррандачилик хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Далаларимиз кенг, унда фойдали табиий ўтлар, дон, сув етарли. Яхшигина паррандахона қурганмиз. Ҳар бир товуқдан камида 200-250 та тухум олишни мўлжаллаяпмиз.

Шундай қилиб, бригадамизда пахтачиликни ҳам, чорвачиликни ҳам янада шаҳдам ривожлантирамиз, маҳсулотларни кескин кўпайтирамиз. 1983 йилда пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 50 центнерга кўтариш учун агротехниканинг қишки ва баҳорги тадбирларини изчиллик билан амалга оширамиз. СССРнинг Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

А. ФОЗИЛОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ВИА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). ВИА агентлигининг хабар қилишича, Хитой томони 4 январдан 18 январгача ВСР чегарасида душманлик ҳаракатларини давом эттирди.

Агентликнинг ёқтириб ўтишича, Хитой қарбий бўлинмалари шу вақт ичида Каобанг, Лонгшон, Куангнинь, Хоангльеншон вилоятларидаги чегара яқинидаги бир қанча районларни қайта-қайта ўққа тутганлар, шунингдек ВСР территориясига бостириб киришга урунганлар. Мана шундай ҳаракатлар натижасида катта моддий зарар етказилган, тинч аҳоли ўртасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бор.

Вьетнам томони чегара бузувчиларга зарба беришга мажбур бўлди.

МАЪМУРЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистондаги Жамму ва Кашмир штати маъмурияти штатда сепаратчи ва диний-жамоа кучлари фаолиятининг пайини қиркишга қаратилган бир қанча фармонлар қабул қилди. Жамоалараро нифоқни авж олдиришда ва сепаратизмга гижгижлашда айбланган шахслар ва ташкилотлар шу фармонларга мувофиқ қатти жазоланади.

Мамлакат жамоатчилиги штат маъмурларининг шу қатъий чораларини маъқуллаб кутиб олди. Бу чоралар, деб таъкидлайди матбуот, ички реакция кучларининг кирдикорларига қарши муваффақиятли кураш олиб бориш имконини беради.

Сепаратчилар ўзларининг давлатга қарши фаолиятида ғарб махсус хизматларидан, аввало Америка махсус хизматидан, шунингдек Покистон разведкасидан ҳар томонлама мадад олиб турибди. «Кашмир озодлиги фронти» бошлиғи Омонуллахон Лондонда туриб, бу ерда Жамму билан Кашмирни Ҳиндистондан ажратиш учун қуролли курашга тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Обзорчилар сепаратчи ва шовинистик кучлар активлашганлигига ички ва ташқи реакциянинг Ҳиндистонни заифлаштириш мақсадида тил бириктирганлиги сабаб бўлмоқда, деб ҳисобламоқдалар. Бундай шароитда, деб ёзади «Трибюн» газетаси, Жамму ва Кашмир маъмуриятининг чоралари мамлакат миллий бирлиги ва территориал бутунлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ЖИНОЯТ ҚОРАЛАНДИ

РИМ. (ТАСС). Ҳозирги Италия тарихидаги катта суд мажлиси — Альдо Моронинг ўлдирилганлиги тўғрисидаги иш юзасидан ўтказган процесс охирида судланувчиларга ҳукм чиқарилди.

Италиянинг таниқли сиёсат ва давлат арбоби, христиан-демократик партия миллий кенгашининг раиси Альдо Моро 1978 йил кўкламида «қизил бригадалар» деган кўпорувчи гуруҳ террорчилари томонидан ўғирлаб кетилган ва ўлдирилган эди. Унинг қотиллари устидан ўтказилган суд мажлиси Италия ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлганлигининг сабаби шуки, аввало бу жиноят соф сиёсий характерда бўлган эди. Суд мажлиси давомида А. Моро Италияда коммунистлар иштирокидаги ҳукмрон кўпчиликни вужудга келтириш тарафдори бўлганлиги учун ўғирлаб кетилганлиги ва ўлдирилганлиги узил-кесил тасдиқланди.

Мороднан ўч олишда ва бошқа жиноятларда айбланган 40 дан ортиқ террорчидан 32 таси Италиядаги олий жазо — умрбод қамоқ жазосига, қолганлари узоқ вақт қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Олий жазога ҳукм қилинганлар орасида П. Галлинари ва М. Моретти сингари таниқли террорчилар бор.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ИСЛОМОБОД. Покистон юристлари конференциясининг иштирокчилари бирғаликда чиқарган резолюцияда Покистонда дарҳол демократия ўрнатилишини, 1973 йилги конституциянинг тикланишини ва мамлакатнинг қамоққа олинган барча сиёсий юридик арбоблари бўшатилишини талаб қилдилар, деб хабар беради «Муслим» газетаси. Бу конференция Равалпиндида бўлиб ўтди. Унинг ишида Покистоннинг турли шаҳарларидан келган 300 дан кўп делегат қатнашди.

● КОБУЛ. Афғонистон ишчилари, деҳқонлари ва хизматчилари саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида граждан мудофаа отрядлари тузиш кампаниясига актив қўшилдилар. Бу отрядларнинг вазифаси тинч меҳнатни аксилинқилобчиларнинг душманчилик хуружидан ҳимоя қилишдир. 360 кўнгилли қўшилган шундай отрядлардан бири Баграмидаги тўқимачилик фабрикасида ташкил этилди.

● АНҚАРА. Туркияда қанд ва бошқа бир қанча кенг истеъмол моллари нархи яна оширилди. «Жумҳурият» газетасининг хабар беришича, ўтган йили энг зарур моллар, ёнилғи ва хизмат кўрсатиш нархи қариб 30 процент ошган эди. Пулнинг қадрсизланиши ҳам тахминан шу даражага етди. Бу эса илгаригидек меҳнаткашларнинг турмушига оғир таъсир қилмоқда.

● ИСТАМБУЛ. Туркия жаҳонда болалар ўртасида ўлимнинг кўплиги жиҳатидан юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, ўтган йили туғилган 1 миллион 655 минг боладан 250 минг гўдак ўлган эди. Бу эса тахминан янги туғилган болаларнинг 15 процентини ташкил қилади.

● АММОН. Исроил ҳукумати яқин орада Иордан дарёсининг ўзи босиб олган ғарбий соҳилида яна тўртта ҳарбийлаштирилган манзилгоҳлар қуришга қарор қилди. Олинаётган маълумотларга кўра, бу манзилгоҳлар Ал-Халил шаҳри районида маҳаллий араб аҳолисидан тортиб олинган ерларда қурилади.

(ТАСС).

А. ПАПАНДРЕУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. 25 январь. (ТАСС). «Греция территориясида ядровий қалпоқчалари бўлган ракеталар жойлаштирилишига йўл қўйиш мумкин эмас», деди Франция дипломатик матбуоти уюшмаси ташкил этган журналистлар билан учрашувда Греция Бош министри А. Папандреу. Греция ҳукумати, деди у, Болқон ярим оролини ядросиз зонага айлантириш учун нурашади.

Бош министр ўз ҳукумати Американинг Греция территориясида жойлашган тўртта ҳарбий базасининг тақдири тўғрисида Вашингтон билан олиб бораётган музокаралар га тўхталиб, Греция Туркиянинг милитарлаштирилаётганлиги ва унинг Эгей денгизида Анқаранинг суверенитетини ўрнатиш тўғрисидаги талаби муносабати билан вужудга келган вазиятни ҳисобга олади, деди. А. Папандреу «Туркия армияси унга Қўшма Штатлар ва ГФР ёрдам бераётганлиги натижасида мунтазам равишда кучайтирилаяпти» деб таъкидлади. «Ахир биз нима учун АҚШнинг стратегик манфаатларини қондириш учун ўз суверенитетимизни чеклашга рози бўлишимиз керак?», — деди у.

СИНЬХУА АГЕНТЛИГИ ХАБАРИ

ПЕКИН. 25 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, ХХР Олий халқ суди ҳузуридаги жиноий ишлар палатаси Мао Цзэдуннинг хотини Цзян Цин билан ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси Чжан Чуньцяо устидан чиқарилган ўлим ҳукмини умрбод озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирди.

Синьхуа агентлиги Цзян Цин билан Чжан Чуньцяо «тўртлар шайкаси» деб аталган иш юзасидан «асосий жиноятчилар» деб топилиб, 1981 йил 25 январда ўлимга ҳукм қилинганлигини ва ҳукмни икки йилдан кейин ижро этиш белгиланганлигини эслатиб ўтди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ВЕНАГА КЕЛДИ

ВЕНА. 25 январь. (ТАСС). Совет делегацияси Марказий Европада қуролли қучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларнинг 27 январда бошланадиган 29-давраси ва ҳарбий соҳаларнинг ишлаши

АХБОРОТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕМОНТЧИЛАРНИНГ ЯШИЛ ЦЕХИ

Теплица — Октябрь 50 йиллиги номли Навоий ремонт механика заводининг йўлаги ёнида қад кўтарди. Уни корхонанинг комсомоллари қисқа муддатда қуриб битирдилар. Саҳни қарийб 7 минг квадрат метрга борадиган ойнаванд полизга помидор, бодринг, пиёз, ошкўклар экилади. Завод ошхонаси биринчи ҳосилни қабул қилиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

ПАРРАНДАЛАР УЧУН УЯЛАР

Қўқон мебель фабрикасининг рейка, тахтача, рангбаранг пластик резгилари каби чиқитлари паррандаларга уя ясаш учун қурилиш материали бўлиб қолди. Бу ерда Бутуниттифоқ «Зооцентр» бирлашмасининг буюртмасига биноан қушлар учун 7 мингтадан кўп чиройли «уялар» тайёрланди. Фабриканинг махсус очилган участкаси паррандалар учун «уйсозлик комбинати» бўлиб қолди. Биринчи буюртманинг ўзиёқ цехга 16,5 минг сўм фойда келтирди.

ЧИҚИТЛАРДАН ҚОП-ҚАНОР

Москва район (Андижон области) пахта заводи энди пахта тойларини тўқимачиларга ўзи тайёрлаган қанорда юбормоқда. Бу ерда чиқитларни нотўқима материалларга айлантирадиган цех қурилди. Цехнинг тараш-тўқиш агрегатлари йилига қарийб 600 минг қоп-қанор комплекти ёки 2 миллион квадрат метр нотўқима материал беради. Бунча материал тармоқдаги кекса завод барча маҳсулотларини ўрашдан ташқари областда тойланаётган бутун пахтанинг ярмини жойлаштириш учун кифоя қилади.

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ ИЗИДАН

ПАВЛОВ УЙИ ҲИМОЯЧИСИ

«Кичкина группа битта уйни мудофаа қилар экан, шунчалик кўп гитлерчиларни яксон қилдяки, немислар Парижни босиб олганларида ҳам бунчалик кўп талофат кўрмаган эдилар».

В. И. ЧУЙКОВ,
Совет Иттифоқи маршали 62-армия қўмондони.

Одамлар бордонқўллик тракторчи Камолжон Турғуновнинг қимматбаҳо сирли чемодани бор, бировга уни очтирмайди дейишади. Осма қулфини ҳам беркитиб юрар экан. Унинг уйига борганимда сирли чемоданини кўрмоқчилигимни айтдим. У бир оз ўгирилиб, ичкаридан инқиллаб-синқиллаб ранги ўчиб кетган, фанердан тайёрланган каттагина чемоданни кўтариб чиқди.

— Буни дембелга чиқ-қанимда 46-йили Бранденбургдан сотиб олгандим, — деди ва занг босган қалитни қулфга солди. Чемоданда ҳеч қандай қимматбаҳо нарса йўқ. Даста-даста хатлар, улар мамлакатимизнинг турли жойларидан жўнатилган, ранг-баранг газета ва журналларнинг қирқимлари, китоблар, фотосуратлар бор экан... Уларга шунчалик қизиқиб кетдимки, бир неча соат ўтиб кетганини ҳам сезмай қолдим. Оддий солдат Камол Турғуновнинг аскарликдаги ва урушдан кейинги йиллардаги ҳаёти саҳифалари ҳаёлимда бир-бир варақланди.

Сталинград шаҳрида жанг энг тобига келган 42-йилнинг кузи. Вайрона уйлар совуқ кўринади. Қуйган нарсаларнинг ҳиди аччиқ, димоғни қуйидиради. Тўпларнинг, мина ва бомбаларнинг портлашидан ҳосил бўлган овозлардан қулоқ чипла битади. Волга бўйидаги бирнеча уйларни немислар ҳам, бизникилар ҳам эгаллашга улгуришмаган эди. Гвардиячи сержант Яков Павлов тўрт қаватли зангори тусдаги уйни текшириб келиш ҳақида буйруқ олди У оддий солдатлар В. Глушченко, А. Александров, Н. Черниговлов билан разведкага жўнади. Бир неча марта бомба тушиши оқибатида деярли қуйиб, томлари йиқилиб ҳаробага айланган уй бўм-бўш эди. Павлов ракета отиб бу ҳақда командирга хабар берди. Бироздан сўнг лейтенант Афанасьевнинг пулемётчилари ҳам уйга келишди. Сталинград шаҳрининг 9-Январь майдонидаги мазкур уйдан 30—40 метр узоқликдаги биноларни душман ишғол қилган эди. Фашистлар бу уйни ҳам эгаллаб олишга уринишди. 13-гвардиячи дивизия 42-полк 3-батальонининг 22 жангчисидан иборат кичик гарнизон эса борган сари уйга яхшироқ ўрнашиб олди.

Дастлаб сержант Павлов томонидан ишғол қилингани учун, кейиничалик барча ҳарбий ҳужжатларда Павлов уйи деб ном олган бинони ҳимоя қилишнинг 10-куни бўлса керак, бирдан душман артиллерияси жимиб қолди. Отишмалар ҳам тўхтади. Ҳаробалар орасидан қўрқа-писа бир танк ўрмалаб чиқди. Унинг устида оқ байроқ титрарди. Жангчилар душман таслим бўлмоқчи шекилли, деб ўйлашди. Бироқ улар қайта-қайта ҳужум қилиб ҳам уйни қўлга кирита олмай бошқача йўл тутмоқчи бўлишибди.

— Руслар! — дел қичқиришди улар репродуктордан, — қаршилик бефойда! Сизлар ёшсизлар. Наҳотки яшашни истамайсиз?

Дарҳақиқат, Павлов уйи ҳимоячилари ичида ҳали мўйлови чиқиб улгурмаганлар ҳам бор. Уларнинг ўртача ёши 24 га ҳам етмаю эди. Лекин уйни ташлаб кетишни, асир тушишни ҳаёлимизга ҳам келтирмадик, деб эслайди Камол Турғунов, 11 миллат вакилларидан иборат кичик гарнизон душманнинг ҳамлаларини мардона қайтарар, талафот кўрсак-да, орқага чекинмасликка қасам ичган эдик.

Улуғ Октябрь байрамига солдатлар катта тараддуд кўришди. Волгадан сув ташиб ҳаким ҳаммом ташкил этишди Ювиниб, соқолларини қиртишлаб, кийимларини тартибга келтиришди, ҳамма байрам кайфиятида эди. Политрук Афтимов билан полк штабидан бир офицер биз қурган яшириш йўлдан келиб олий бош қўмондонликнинг буйруғини, дивизия командирининг табригини ўқиб эшиттиришди.

Камолжон гарнизондаги ёш солдатларнинг бири эди. Аммо урушнинг қалтис онларида ҳам ўзини мардона тутди. Унинг командири лейтенант Афанасьев «Дом солдатской славы» деб номланган эсдаликлар китобида унинг жасурлиги, мерганлиги ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Сутранг уй учун жанг қаттик бўлган эди Бинонинг ғарб томонидан уйга душман яқинлашиб келарди. Улар ҳар дақиқада қўшни хоналарга кириб қолишлари мумкин эди. Турғунов жангчилар ёнига аста эмаклаб бориб, биргаликда хавфга бархам бериш ҳақида буйруқ олди. У бино томон кетаётганида ногоҳон икки фашистга рўпара келди. Шунда ўзини йўқотмади, улар граната отишга улгурмасидан автомат билан фашистларни гум қилди».

24 ноябрда гарнизонга сутранг уйга ҳужум қилиб, уни қўлга киритиш ҳақида буйруқ келди. Жангчилар 56 куну тун мардона мудофаа қилган Павлов уйини ташлаб янги ҳужумга ўтишди. Бу жангда Камол Турғунов қаттиқ яраланди. Уни Родимцев ва бошқа бир неча нафар уруш ветеранларидан сўнг пулемётчилар командири лейтенант Афанасьевга сўз берилди.

— Бир куни отишмалар тингач, сержант Павлов билан уйнинг қўшни подъездига ўтдик, — ҳикоя қилди Афанасьев — Ертўлага тушсак ўнга яқин аёллар, қариялар, эмизикли чақалоқ кўтариб олган Евдокия исмли жувон, Красний Октябрь заводининг ишчиси Пётр Селезневнинг хотини бор экан Шаҳарни душман артиллерияси ўққа тутганида Селезнев халқ қасоскорлари билан бирга заводни мудофаа қилишга отланибди. Евдокия эса икки ойлик гўдаги Зина билан биз ҳимоя қилаётган уйнинг ертўласига яширинибди.

Ўзбекистонлик уруш ветерани Камолжон Турғунов командирининг гапини давом эттирди. Тинимсиз отишмалардан ларзага келган шаҳардаги уйларнинг бирида қоронғи ертўлада чақалоқнинг йиғисини эшитиб, болаларни, қексаларни, опаларни шу қуйга солган душманга нафратимиз қайнаб кетди. Шу билан бирга гўдакнинг товуши эрта баҳор пайтларида юртимизда ариқ бўйларида ниш урадиган ялпизларнинг ҳидидай вужудимни орзиқтириб юборди. Биз уни, у каби миллионлаб болаларнинг бахти, келажаги учун сўнгги қонимиз қолгунча, душманни Ватандан ҳайдаб чиқаргунча курашишга аҳд қилдик. Кимдир уларга бир бурда бўлса ҳам қолган нонини, иссиқ кийимини берди, саломатлигини, тинчлигини асрашга ҳаракат қилдик. Телевидение кўрсатуви бошланганидан бери 40 минутча вақт ўтган эди, шу пайт залнинг операторлар ишлаётган томонидан бир кизнинг: «Мени қўйиб юборинг, мени...» дея ҳансираб айтган гапи эшитилди. Одамлар ҳаёлини йиғиб олгунича у телекамера қаршисида пайдо бўлди.

— Мен ўша Зинаман. Сизларни қидириб юргандим, — деди у тутилиб-тутилиб. — Сизлар менинг, онамнинг халоскорларисизлар.

Эшиттириш қатнашчилари олдинига ҳанг-манг бўлиб қолишди. Уларнинг ҳеч бири қизча билан онасининг кейинги ҳаёти ҳақида маълумотга эга эмасдилар. Ҳақиқатан ҳам бу Зина. Павлов уйининг ертўласида солдатлардан паноҳ топган мурғак гўдак эди. Ҳалоскорлар орадан 25 йил ўтгач, 1967 йили ўзлари меҳр қўйган қиз билан учрашишди. Волгоградлик Зинаида Андреева телевизорда Павлов уйи ҳимоячилари билан учрашув бўлаётганини эшитиб студияга чопиб келган экан. У халоскорлари билан учрашишни кўпдан бери орзу қилиб юраркан. Бу пайтда келиб Павлов уйи мудофаачиларидан 11 киши ҳаёт эди. Улар ярим тунга қадар шаҳар айланиб Сталинград шаҳрида бўлган жангларни эслашди Зинаида ўз ҳаётини сўзлаб берди. У институтни битириб, инженерлик ихтисосини эгаллабди.

— Биз Сталинград жангчиларидан бир умр миннатдормиз, — деди у. — Раҳмат Афанасьевга, Павловга, Вороновга, Турғуновга. Уларнинг қаҳрамонликлари туфайли, Павлов уйини мардона ҳимоя қилганликлари учун ҳам менга ўхшаганлар тирик қолишди. Энди сизлар менинг яқин кишиларим — оталаримсиз.

Ўша воқеадан бери ҳам 16 йил ўтди. Собиқ жангчилар мамлакатимизнинг турли жойларида истиқомат қилишади, тез-тез Волгоградга бориб туришади. Уларни қаҳрамон шаҳар халқи зўр қувонч билан қарши олишади.

— Яқинда яна Волгоградга бориб келдим, —дея ҳикоя қилди Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз тракторчиси Камол Турғунов. — У ерда Сталинград немис-фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги олдидан Павлов уйи ҳимоячилари билан бўлган учрашувда қатнашдим. Зинаданинг опаси Евдокия Григорьевна Селезнёва билан учрашдим. Павлов уйига борди. Бинони ҳимоя қилишда қатнашган 22 жангчининг номи бу ерга зарҳал ҳарфлар билан ўйиб ёзилган. Фақат бу сафар сафдошларимизнинг атиги беш нафаригина ҳаёт эди.

Кекса солдатнинг ёғоч чемоданида Зинаида Андреевадан келган бир тўп хатларни ҳам кўрдим. Улар «азиз отажоним, сиҳат-саломатмисиз. онажонимнинг соғликлари яхшими» деган сўзлар билан бошланарди. Камол Турғунов ҳам Волгоградга ёзган хатларини «қизим Зинаида ва неварам Маринага» деб бошлайди. Камолжон отадан нечта фарзандингиз бор, деб сўрасангиз, волгоградлик қизи Зина билан невараси Маринани ҳам қўшиб, 11 ўтилқизим ва 12 неварам бор, деб жавоб беради.

А. НИЕЗОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: (чапдан) Е. Селезнева, К. Турғунов, З. Андреева қизи Марина билан.

КИНО

ФИДОЙИЛАР ҚИССАСИ

Куни кеча Тошкентдаги Кино уйининг Катта залида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романи асосида суратга олинган «Беҳудага ўқ узма» номли янги бадиий фильм премьераси бўлиб ўтди. Асар Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин юртимизда Совет ҳокимияти тантанаси йўлидаги курашлар ҳақида, ўша даврнинг тенгсиз жасорат кўрсатган жасур ўғлонлари ҳақида ҳикоя қилади.

— «Мангулик» асари асосида фильм ишлашимиз бежиз эмас, — дейди фильм режиссёри Мухтор Оғамирзаев. — Асар журналда эълон қилинганидаёқ барча китобхонларда, жумладан, бизда катта қизиқиш уйғотди. Бунинг сабаби бор, оталаримизнинг мардлиги, жасорати «Мангулик»да улуғланади. Энг муҳими, биз бугунги кунда эришган ютуқларимиз, муваффақиятларимиз ва фаровон ҳаётимизнинг қадрини англашимиз учун бу ҳаёт қандай оғир курашлар эвазига қўлга киритилганлигини билишимиз лозим.

Фильм Али Ҳамроевнинг сценарийси асосида суратга олинган. Асардаги етакчи ролларни СССР халк артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халк артисти Ҳамза Умаров ва бошқалар ўйнаган. Шуниси диққатга сазоворки, Тошкент хореография билим юртининг талабаси Гўзал Ҳамроева асардаги асосий ролни зўр маҳорат билан ижро этган.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

▲ **ВОЛЕЙБОЛ.** Аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки давра иккинчи тур ўйинлари Челябинск ва Свердловск шаҳарларида бошланди Тошкентнинг «Автомобилист» командаси Челябинск группасига кирувчи коллективлар билан куч синашмоқда. Волейболчиларимиз биринчи учрашувни майдон эгалари — «Политехник» командаси билан ўтказиб [3:1], ғалабага эришдилар.

▲ **КЎЛ ТЎПИ.** Биринчи лига эркаклар командаларининг бир неча кун давом этган СССР чемпионати 4-тур ўйинлари якунланди. Тошкентнинг «Старт» командаси тўртта учрашув ўтказиб, уч марта ғалабага эришди. Бу билан вакилларимиз чемпионатнинг 7—12 ўринлари учун курашни давом эттирадиган бўлдилар.

▲ **БАСКЕТБОЛ.** Украина пойтахтида эркаклар олий лига командаларидан тўрт нафари мамлакат чемпионатининг 9—12 ўринлари учун курашмоқда. Тошкентнинг «Университет» командаси Киев армиячилари [106:109], Куйбишевнинг «Строитель» [99:86] ҳамда Вильнюснинг «Статиба» [71:89] коллективлари билан куч синашди.

▲ **ШАХМАТ.** Тошкентда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг очиқ биринчилиги тугай деб қолди. 12-тур ўйинларидан кейин москвалик С. Долматов 9,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Тошкентлик Г. Аъзамов ҳисобида олтита очко бўлиб, учта ўйинни кечиктирган.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ОСМОНДАН РЕПОРТАЖ

АЭРОБУС—ЖОН РОҲАТИ...

▲ «ТЕМИР ҚАНОТ»ДА 350 ЙЎЛОВЧИ
▲ ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР
▲ РЕСПУБЛИКАМИЗ АВИАТОРЛАРИ ЮТУҒИ

«...Ил-86 самолётида Тошкент — Минеральные води — Тошкент хизмат линиясини барвақт ишга туширамиз».

(Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси коллективининг 1983 йил социалистик мажбуриятларидан).

Самолёт учишдан олдин узоқ гувиллаб турди. Кейин йўлак бўйлаб анча жойгача юриб борди ва бир зум тўхтаб, наъра тортгандек кучлироқ гувиллаб олди-да, яна йўлак сўнгида шиддат билан югуриб, ердан узилди... Замин бағирлаб чексиз осмон қўйнига кўтарила бошлади.

Группамиз раҳбари, республика граждан авиацияси бошқармаси ходими Александр Покрасс йўловчилар ва журналистларни аэробуснинг илк парвози ҳақида қисқача таништириб ўтди.

— Бугун коллективимиз ўз зиммасига қабул қилган социалистик мажбуриятларининг бир моддасини муддатидан илгари бажармоқда. Тошкент аэропортида доимий ишга тушган (бу ҳақда газетамизнинг 1982 йил 24 декабрь сонида ҳам хабар қилинган эди) 4997-рейс-аэробус ўз бағрига 350 йўловчини олиб, Шимолий Кавказга парвоз қилмоқда. Эндиликда бу ҳаво йўли бўйлаб доимий учадиган самолётларимизнинг дастлабкисини бошқариш — биринчи класс учувчи Улуғбек Ғозиназаров, борт инженер Нишон Каримов ўртоқларга муяссар бўлди.

Йўловчилар ҳаяжонда. Қувонч устига қувонч.

— Ўх-ҳўў, кенглигини қаранг! — қалб севинчини шериги билан баҳам кўра бошлади Самарканд область, Ургут районидан Кисловодскка дам олишга бораётган йўловчи Жўрақул Рашидов. — Узунлиги 60, эни 6 метр, учта кенг зал, тўққиз қатор ўриндиқ, икки кенг йўлак, газета-журнал, шахмат-шашка... қулайликларини айтмасизми. Нақ кинотеатрда тўпирандек.

«Ҳурматли йўловчилар! — стюардесса қизнинг қўнғироқдек овозидан салонлардаги шовур-шувурлар тинчиди. — Тошкент — Минеральные води линияси бўйлаб парвоз қилаётган Ил-86 аэробус экипажи Сизни қизғин қутлайди. Манзилимиз масофаси 2240 километр. Учиш муддати 3 соату 10 минут. Баландлик — 9600 метр. Тезлик — соатига 850 километр... Сафарингиз бехатар бўлсин!».

— Мутахассисларга қойил! Конструктор - инженерларнинг қўли дард кўрмасин. Бир йўла 350 кишини олиб, осмонга учадиган «темир қанот»ни ҳам чиқарибди-я... — Жиззах районининг Навоий номли колхозидан дам олиш учун кетаётган йўловчи, шофер Маматкул Муродовнинг бу сўзини ҳамроҳи — механизатор Турсунбой Очилов давом эттирди.

— «Учар гилам»лар ҳам гапми?! Мўъжиза, бу, дўстим, мўъжиза. Яшасин фан-техника...

Кимдир сигнал чироқ билан стюардессани чақирди. Эътибор қилдик. Йўловчи экипажнинг «Эсдалик дафтари»ни сўради.

— Марҳамат! — стюардесса зум ўтмай келтириб берди.

Ёзув билан қизиқдик: **Бизнинг замонавий совет авиациямиз сафлари яна бир улуғвор лайнер билан тўлганидан ғоят хурсандмиз. Салонлардаги қулайлик, хизматдаги авиаторларнинг ширин сўзлари ва очиқ чеҳраси дилингни равшан қилади...**

«Меҳнат резерви» кўнгилли спорт жамияти республика советининг камондан отиш терма командаси аъзолари номидан — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Г. Збиковская».

Бизни қисқа муддатга аэробуснинг учувчилар кабинасига таклиф қилишди. Экипаж командири У. Ғозиназаров сафдошларига халақит бермасдан, қисқача ҳикоя қилди:

— Парвозимизни бошқараётган учувчилар Внуково аэропортида махсус тайёргарликдан ўтишди.

Илгари бундай аэробусда Ватанимиз пойтахтидан Симферополь, Минеральные води, Новосибирск, Тошкент шаҳарларига ва Мадрид, Деҳли, Берлин сингари хорижий шаҳарларга учардик. Эндиликда мана, Тошкент аэропортидан ҳам Минеральные води, Москва, Новосибирск шаҳарларига аэробус ҳаво йўли очилди. Келгусида Африка мамлакатларига, Куба, Люксембург ва Америка Қўшма Штатларига ҳам аэробусда учиш имконияти туғилади...

Аэробус ҳар томонлама қулай, серқтисод. Йўловчилар вақтдан, авиациямиз ёнилғи, ишчи кучи ва яна кўп нарсалардан тежайди. Эшитган бўлсангиз, 1924 йилда Тошкентдан Бухорога тўрт ўринли илк самолёт учганда қанчалик шов-шув бўлган. Бугун эса 350 йўловчи битта самолётда ва яна соатига 850—950 километр тезлик билан 9-11 минг метр баландликка кўтарилиши... чинакам мўъжиза-да!

Тепаликда изғиринли қор ўйини, пастда —11 градус совуқ ҳукмрон. Минеральные води (Минводи) аэропортига оҳиста кўнган аэробус бир оз танаффусдан сўнг яна қуёшли Тошкент сари парвоз қилди. Алие Зейтулина бош бўлган Насиба Орипова, Юлия Батиршина, Марика Малова, Нина Кричатова, Люда Ганич, Валерий Ким, Ольга Потапова сингари стюардесса қиз-йигитлар бригадаси йўловчилар хизматида...

— Аэробусда учиш қалай экан? — сўрадик тўғримизда турган ёшгина йўловчидан. У аввал ўзини таништирди.

— Навоий область, Нурота район комсомол комитетининг биринчи секретари Муҳаммад Тўйчиевман. Биргина сўз билан айтадиган бўлсам, аэробус — жон роҳати...

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Тошкент — Минеральные води — Тошкент.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича
1983 йилга
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги: АГРОХИМИЯ, МЕВАЧИЛИК (тутчилик) ЭКОНОМИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ВА ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ; сиртқи: ГЕНЕТИКА, УМУМИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК, ТУПРОҚШУНОСЛИК, ФИТОПАТОЛОГИЯ ВА ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ, ХУСУСИЙ ЗООТЕХНИКА (чорвачилик, ўрмон экинлари, сиёсий иқтисод).

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: зачёт ведомостидан кўчирма билан бирга ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқланган нусхаси, сўнгги иш жойидан характеристика, таржиман ҳоли, 4х6 см катталикдаги фотосурат билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати ёки реферат, меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган нусхаси, соғлиғи тўғрисида аспирантурада ўқиши мумкинлиги кўрсатилган справка (286-форма).

Ҳужжатлар — 20 февралгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари — 1 мартдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, аспирантура бўлими. Телефон: 62-02-02.

«СПОРТЛОТО» ТИРАЖИ ЯКУНЛАРИ

Спорт лотереялари бош бошқармаси 22 январда ўтказилган 4-тираж якунларини чиқарди.

«Спортлото-49 дан 6»: 719.367 билет топширилди. 6 та сонни ҳеч ким топа олмади, 5 та сонни топган 13 кишига 3.650 сўмдан, 4 та сонни топган 767 кишига 84 сўмдан, 3 та сонни топган 17323 кишига 6 сўмдан ютуқ чиқди.

«Спортлото-36 дан 5»: 4.209.820 билет топширилди. 5 та сонни топган 13 кишига 10.000 сўмдан, 4 та сонни топган 1944 кишига 208 сўмдан, 3 та сонни топган 81147 кишига 9 сўмдан ютуқ чиқди.

4-тираж ютуқлари 2 февралдан 9 мартгача тўланади.

(ТАСС).

Т. Г. ШЕВЧЕНКО НОМЛИ НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: немис тили (фан кандидати);
катта ўқитувчилар: рус ва чет эл адабиёти (2 ўрин), тракторлар ва автомобиллар (фан кандидатлари);
катта ўқитувчилар (фан кандидатлари) ёки **ўқитувчилар** (2), ҳуқуқшунослик;
ўқитувчилар: умумий техника фанлари, тракторлар ва автомобиллар.

Конкурс муддати — 20 февралгача.

Мурожаат учун адрес: Нукус шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 3-10-19, 3-13-81.

Ўзбекистон Театр жамияти коллективи Муқимий номли ўзбек давлат музикали театрининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси А. Ғ. Раҳматуллаевга отаси
Ғайбулла РАҲМАТУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/I да **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/I да **Рўё.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/I да **Гулсара.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/Iда **Ишқ қурбонлари** (17.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Салом, Гулливерлар!» музикали-эксцентрик аттракционининг гастроллари** (19.30).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горнчилар, каердасиз! 10.25 — Ҳароратли шамол. Бадиий фильм. 11.40 — Халқ ижоди. 12.25 — Я. Сибелиус. 7-симфония. 12.50 — Қишлоқларимиз архитектураси. 13.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 16.10— Биз билан бирга, худди биздек, бизсдан ҳам яхшироқ бажар. 17.10 — Шахмат мактаби. 17.40 — Давлат Волгоград хор капелласи куйлайди. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қўш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — М. Мусоргский. Танланган асарлар. 20.20 — Ҳароратли шамол. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Таганрогда тугилган. Телефильм. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Умумий биология. 10.05 ва 14.40— Испан тили. 11.05 — А. М. Горький. Тубанликда. 11.35 — Ота-оналар. Сизлар учун. 12.05 — Рус халқ қўшиқлари. 12.40 — Сиз яратган бог. 13.10 — Тарих. 13.40 — Умумий биология. 14.10 — География. 15.10 — Фотографнинг кўрсатмаси. Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильмлар. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Волейбол. СССР чемпионати. 21.15 — В. Анистратова ижросида қадимий рус романслари. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.00 — Ойбек. «Навоий». Видеофильм премьераси. 1-серия. 18.00 — Пионерлар мамлакатида. 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Қишлов — чорвадорлар учун масъулиятли давр. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Янгра, дутором. 21.30 — Время. 22.05 — Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 2-серия. 23.10 — Биринчи лига хотин-қизлар командалари ўртасида кўл тўпи бўйича СССР чемпионати. 23.40 — Янгиликлар.

28 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.10 Ҳароратли шамол. Бадиий фильм. 11.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 11.50 — Карпатлардаги мураккаб трасса. 12.20 — Чашмалар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Баскетбол. Европа чемпионларининг кубоги. 16.35 — Рус тили. 17.10 — Днепрда. Балетдан куй. 17.50 — Эртак ҳуҳурида меҳмонда. 19.00 — Волейчерк. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Инсон ва қонун. 20.05 — Халқ куйлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.45 — Дунё воқеалари. 24.00 — Фильм-концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.15 ва 14.00 — Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — Рус халқ қўшиқлари. 13.10 — Тарих. 13.40 —Илмий-оммабоп фильм. 14.30 — Д. Кугультинов поэзияси. 15.00 — Совет тасвирий санъатида коммунист образи. 15.30 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 17-фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 —Биз БАМни қуряпмиз. 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Волейбол. СССР чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Софья Грушко. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Биз рақсга тушамиз. 12.00 — Ойбек. «Навоий» Видеофильм. 2-серия. 13.05 — Ешлик. 18.05 — Бизнинг Чукоккала. 19.00— Ўзбекистон — БАМга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Экиш мавсумига техника шай бўлсин. 22.20 — Ойбек. «Навоий». Видеофильм. 3-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 17.55 — Она тили. 18.25 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.55 — Телефильм. 19.05 — Эстетика асослари. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Мамлакатим тақдирида — менинг тақдирим. 21.30 — **Москва-II.**

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бахт ва меҳнат қўшиқлари. 9.30 — Халқ талантлари ижро этади. 12.10 — «Гулла, яшна, қўриқ ўлка!». 13.00 — Мальши. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Оркестр пьесалари. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт

БИЗНИНГ АДРЕС
700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-11-49, 32-54-43.

Р. 06056. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 22. 10